

ВАТАНШАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2001 йил, 23 март, жума № 35 (1455).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Пятница, 23 марта 2001 г. № 35 (1455).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

Халқ шоирига эҳтиром

Юртимизда давом этаётган Наврўз тантаналари яна бир қутлуғ воқеага уланиб кетди. Атоқли ижодкор, калқимизнинг гуруҳ ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди.

Президент Ислам Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этди.

Абдулла Орипов 60-йилларда ўзбек шеърияти осмонида қачиндек пайдо бўлди. Унинг илк шеърлариёқ адабиёт ихлосмандлари қалби тўридан мустақкам жой олди. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Рухим», «Онажон», «Хайрат» каби илк шеърли тўпламлари уни катта истеъдод эгаси сифатида тез орада халққа танилтиди.

Шоирнинг бирин-кетин дунё юзини кўрган «Юзмаюз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари» каби шеърли тўпламлари, «Хаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком», «Соҳибқирон» сингари дoston ва драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди, у яратган адабий мактаб миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Куни кеча шоирнинг тўйига ўзига хос тўёна бўлиб, тўрт жиллик асарлар тўплами босмадан чиқди. Шеърли мухлислари учун эса ижодкорнинг барча асарларидан баҳра олиш имконияти туғилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеърятининг аҳа-

мийи ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Сухбат чоғида адабиётнинг жамаият олдидаги вазифаси, унинг ҳаётдан доимо олдинда юриши, одамларга тўғри йўлни кўрсатиши, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этиши лозимлиги ҳақида қизгин баҳс юритилди.

Шу маънода, бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиб, ҳаётга эндигина қадам қўётган ёшларни ана шу фидойи инсонлар ҳаёти мисолида тарбиялаш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳозирги адабий жараёнга танқидий баҳо берар экан, Ислам Каримов, адабиёт аҳли, мухтарам ёзувчи ва шоирларимиз халқимизга Ватан равақи, юрт тинчли-

ги, халқ фаровонлиги дея мухтасар ифодаланган олий мақсадларимиз моҳиятини, бугунги мураккаб ҳаётимизда ўз фидойилиги, қадиркорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонлар ҳаётини бадиий образлар орқали очиб кўрсатиши лозим, айтмоқчиманки, ижодкорларимиз кўп бўлсин, элим, юртим деб яшасин, замонга муносиб ижод қилсин, дея таъкидлади.

— Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Ойбек каби муштор адибларимиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларимиз тасаввур эта олмаганимиздек, — деди Президент. — Маънавий келажакимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбияладиган юксак

маънавий омил бўлиб кизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ниҳоясида Абдулла Ориповга эсдалик совғаларини топширди.

Қабул маросимида севимли шоиримиз сўзга чиқиб, кўрсатилган улкан эҳтиром учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

— Инсон яралибдики, бахт нима деган саволга жавоб излайди. — деди Абдулла Орипов. — Менинг бахтим мана шу хуррият замонини кўриш насиб этганида, деб биламан. Бугун менга билдирилаётган хурмат-эҳтиромни адабиётимиз, бутун маданиятимиз намояндаларига кўрсатилаётган эътибор рамзи деб қабул қиламан.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйига бағишланган тантанали кеча 23 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтди.

(У.А.)

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИМИЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун еру кўкни яшнатиб, бепойи даладан, баланд тоғлар, гул очган боғларимизни, қир-адирларимизни офтоб нури билан мунаввар этиб, юртимизга кириб келаятган Наврўзи олам билан сизларни, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишдан бахтиёрман.

Қадри дўстлар! Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин Наврўз айёми беқиёс файзу таровати, кўрку-салобати, маъно-маъмуни билан алоҳида ажралаб туради.

Шу боис Наврўз халқимизнинг энг қадимий, энг сеvimли ва доимо орзиқиб кутадиган миллий байрами, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу кунларда кўртакларнинг очилиши, борлигини яшил либосга бурканиши, табиатдаги янгилашиб беихтиёр одамнинг кўзини қувонтиради.

Барчаннинг дилида меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик, ҳаётга муҳаббат ва ёшариш туйғуларини уйғотади.

Мана шу заманда яшаётган ҳар қайси инсонни ўз-ўзини англашга, ўлмас қадриятларимизни улуғлаш, аждодларимизнинг қадимий миллий анъаналари, бетакрор санъатини эъзоз-

лаш ва намойиш этишга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, бу гўзал байрам чиндан ҳам халқимизнинг анжралмас анъанасига, табиатининг ўзвий бир қисмига айланиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бундан минг-минг йиллар аввал, ўша «Авесто» яратилган замонларда ҳам ота-боболаримиз бу улғу айём кунлари Сирдарё ва Аму-дарё бўйларида, бепойи Турон далаларида табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар.

Қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби таомлар қайнатиб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб, янги-янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Бугун ҳам дашту далаларда, қир-адирларда от чоптириб, курашга тушиб, дошқозонлар атрофида ўйна-кулгу, сайил-томоша қилиб ўтирган инсонларнинг қувончу шодлигини кўриб, Наврўзни халқимиз нақадар интизорлик билан кутганига, бу байрам унинг қалбига нақадар яқин эканига яна бир марта иқрор бўламиз.

Мана шунинг учун узоқ ўтмишимиз ва яқин тарихи-

мизда ҳам ҳеч қандай ёвуз кучлар, ҳаракат ва интилишлар, алдов ва ҳийла-найранглар халқимизни Наврўз байрамидан қайтара олмайди.

Шу кунларда кўпмиллатли халқимиз, узоқ-яқиндан келган меҳмонларимиз, юртимиздаги барча инсонлар бу байрамни жуда катта хурсандчилик билан ўтказаятганидан одам беихтиёр қувонади.

Қадим-қадимдан қолган мўтабар анъаналаримизни бажо келтириш, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлигини намойиш этиши, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш, ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, беморларни йўқлаш ҳам Наврўз байрамининг яна бир хосиятидир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун кундалиқ ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган ҳамжиқатлик, сабр-бардош, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром қанча мустақкам бўлса, бошқача айтганда, ахшилик, аҳиллик, ҳамкорлик қанчаллик кўп қарор топса, бир-бирини кўролмаслик, тажовузи, ҳасад билан яшашга, умуман, ёмонликка ўрин қолмайди.

Наврўзнинг бутун руҳи,

бутун моҳияти, аслида мана шундай олижаноб туйғуларни уйғотишга ва ҳаётимизнинг ҳар соҳаси, ҳар қадаридида уларнинг устувор бўлишига даъват этади.

Мухтарам юртдошлар! Ён-атрофимизга — Наврўз нафаси, кўкдам қуёшидан яшнаб турган шу муаззам боққа бир назар ташлайлик.

Бугун, мана шу майдонда йиғилганларнинг ҳам, Наврўз тантаналарининг «ойнаи жаҳон» орқали томоша қиляётган халқимизнинг ҳам нигоҳи Миллий боғимиз кўригига кўри, чиройига чирой қўшиб турган Алишер Навоий бобомизнинг мўтабар сиймосига қаратилган.

Шахсан менга, гўёки ҳазрат Навоий бугун юртимизда бошланаётган Наврўз тўйимизга оқ фотиҳа бераётгандек туюлади.

Ул зотнинг муқаддас дийримида истиқомат қиляётган инсонларга, барча миллат ва элат вакиллари қарата «Хар кунинг Наврўз бўлсин!» деб айтган сўзлари қулоқларимиз остида жаранглаб тургандек туюлади.

Мана шундай шукўкли бир паллада биз бамисоли баҳорга эшикларимизни очгандек, юракларимизни ҳам

эзгу туйғуларга кенг очамиз.

Ва шу муқаддас заминда яшайдиган барча юртдошларимиз номидан «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб айтаман.

Қадри ватандошларим!

Бугун, янги аср, янги минг йилликнинг илк Наврўз айёмида сизларнинг бахтиёр чеҳрангизга боқиб, ҳар бирингизни бағримга босиб, баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлайман.

Бугун биз ушбу шодиянамизга турли давлатлардан ташриф буюрган меҳмонларимизга, хорижий элчионалар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ён-атрофимиздаги мамлакатларнинг халқларига ўзимизнинг самимий тилакларимизни изҳор этаман.

Келинлар, азиз дўстлар, биродарлар, тун билан кун тенглашадиган мана шу учутилмас айёмда, юртимизга Янги йил кириб келаятган хосиятли дамларда барча эзгу тилакларимизнинг ижобат бўлишини сўрайлик.

Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда бўлсин, ерга сочган уруғи баракали бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи юртимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Ҳаммагизга Наврўз муборак бўлсин!

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА УТҚАЗИЛГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Ўлкамизга ям-яшил сепини ёйиб фаслар келинчаги Наврўзи олам кириб келди. Борлиқ уйғонди, дов-дарактлар яшил либос кийиб, те-варак-атроф гулу лолага бурканди. Бободехон яхши ният билан ерга уруғ қандашга киришди. Юртимизда Наврўз шукўки — яшариш, янгилашиб, бунёдкорлик кайфияти ҳукмрон!

21 март. Соат 10. Пойтахтимиздаги байрамона безатилган Алишер Навоий

номидаги Миллий боғ ранг-баранг гулларга, мушқу анбарга бурканган гулшанни эслатади. Баҳор еллариди турфа байроқлар ҳилпирайди. Рамзий миноралар устида лайлак уялари. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўкдам таомларининг исми димоқни қитиқлайди. Барчаннинг юзида — табассум, юртимиздаги тинч, осойишта ва фаровон турмушдан шукроналик.

Табиийки, ҳар қандай

байрам йил давомида амалга оширилган ишларнинг самарасини кўриш, ундан фойдаланиш ҳосил қилиш ҳиссини туйиш билан янада файзли бўлади. Халқимиз бу йилги Наврўзга кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан қадам қўйди. Қисқа вақт мобайнида юртимизда бир-бирдан қашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, йўллар қурилди, боғу роғлар, ҳиё-

бонлар бунёд этилди. Кунни кеча эса Марказий Осиёда ягона Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ҳамда Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди. Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларни яна кўплаб санаш мумкин...

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади!

Боғ ўртасида барпо этилган улкан сахна қаршида ҳазрат Алишер Навоийнинг салобатли сиймоси қад ростлаган, Ул муборак зот гўё

миллат иқболи, авлодлари шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига жозибали ва мафтункор мисралар битмакна, олқишламоққа шайланиб тургандек.

Байрамга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги намояндалари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ва хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов

(Давоми 2-бетда).

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Мексикалик сапотакас хиндуларнинг сеvimли таом — қора игуан калтаке-саклари бутунлай йўқолиб кетди хавфи остида қолди. Хиндулар уларни тугиб еб қўймоқда.

Японияда ядровий иншо-отларда ҳалокат юз берган-да қўлланиладиган робот яратилди. Уни Токаймура илмий ишлаб чиқариш мар-казининг атом энергияси институти олимлари ихтиро қилди.

Техаслик бир шахс бун-дан кўп йиллар муқаддам Афинадаги Акропол ёдгор-лигига ташрифи чоғида мар-мар безак бўлагини ўғирлаб кетган экан. Яқинда у бу ўғирлик буюмини ихтиёрий равишда Грецияга қайтариб берди. Энди бутун мамлакат техасликнинг кеч бўлса-да олижаноблик қилганидан курсанд.

Греция ҳукумати Буюк Британиядан «Элгин мар-мари» ёдгорлигини қайтариб беришни талаб қилди. Бу обидида бир вақтлар инглиз-лар томонидан олиб кетил-ган эди. Шу билан бирга, ҳукумат Буюк Британияда сақланаётган қадимий грек обидаларини қўриқлашни кучайтиришни ҳам суради. Бунга ўтган ҳафта Британия музейидан эрампиздан аввал-ги 5 асрга мансуб ҳайкал-нинг қўли ўғирлаб кетилган-ни сабаб бўлди.

Исроилда жамоат жойла-рида чекишга тақиқ жорий этилмоқда. Жумладан, мам-лакатдаги тиббий муассаса-лар ва таълим масканлари-да чекиш умуман тақиқлан-ди. Ресторан, қаҳвахона, ошхоналарда эса фақат мах-сус ажратилган хоналарда-гина чекишга рухсат этил-моқда.

Америкаликлар, кўпчили-к уйлағандек, спортсевар эмас, балки дангаса миллат деб аташга арзигulik экан. На-салликдан профилактика ва назорат миллий маркази ўт-казган сўров натижалари шундай хулоса берди. Маъ-лум бўлишича, 90-йилларда 18 ёшдан катта бўлган ҳар-турт америкаликдан биттаси соғлиққа фойдали жисмоний машқлар бажарган экан, хо-лос.

Англиядаги Гарбий Йорк-шир графлиги архивидан Моцарт асарларидан бири топилиди. Моцартнинг Ген-дел ижодида мансуб «Иуда Маккавий» ораториясига бешта ишланмасидан битта-си — «Иуда» шу кунгача умуман йўқолиб кетган, деб ҳисобланиб келинади.

Мексикага Япониядан келтирилган Лин-Лин лақа-би панда айни бу ердаги мода турдошлари билан чи-қиша олмади. У мамлакатга шу турдаги ҳайвонни кўпай-тириш учун атайин олиб келинган эди. Бироқ айниқ умидни оқламади. Натижада олимлар мода айиқларни сунъий йўл билан урчи-тишга уриниб кўришга қарор қилди.

Лондондаги табиат тарихи музейи мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Бу ерга кунига 13 мингта-гача томошабин келмоқда. Музей кассаларида эса чи-та олиш учун навбатда тур-ганларнинг охири кўрин-майди. Музейга янги экспо-нат — Ерда бундан 67 мил-лион йил илгари яшagan йиртқиш тиранозаврнинг ро-бот нусхаси қўйилгани бун-га сабаб бўлмоқда.

(ЎЗА).

ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

1 апреля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотическо й передачи «Ватанимга хизмат киламан», под-готовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске авто-ры передачи расскажут о том, как в частях и подразделениях Минис-терства обороны прохо-дят занятия по физи-ческой подготовке, как приобщаются воины-уз-бекистанцы к спорту. Из репортажей вы также узнаете, как готовятся военнотружашие к кон-трольной проверке за зимний период обуче-ния.


Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 3 апреля, в 17.00.

Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД. ОПУБЛИКОВАННЫ В № 32

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Белуга. 4. Биплан. 6. Вело-гонка. 8. Раскат. 10. Воро-на. 12. Газогенератор. 14. Смородина. 17. Тамада. 18. Ляпис. 19. Ракетница. 20. Правда. 22. Реваниш. 24. Ок-рошка. 27. Поручик. 30. «Катюша». 31. Маклер.
ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Егерь. 3. Аврал. 4. Бидон. 5. Аймак. 7. Германофобст-во. 9. Снег. 11. Одер. 13. Умбра. 14. Сатрап. 15. Ал-тарь. 16. Астра. 21. Реак-ция. 23. Накидка. 25. Олак. 26. Кант. 28. Опал. 29. Удар.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Фрукт. 4. Злокачественная опухоль. 7. Решение, выра-женное путем голосования. 8. Оружие дровосека. 10. Новогодняя красавица. 11. Сомнительная сделка. 12. Орган управления войсками. 15. Крупный бриллиант, вправленный в ювелирное изделие отдельно, без других камней. 16. Литовский струнный щипковый музы-кальный инструмент. 17. В нем кипятят воду. 20. Ар-тист, в совершенстве владе-ющий техникой своего ис-кусства. 23. Сдобное слад-кое печенье. 24. Морская хищница. 25. Приспособле-ние, по которому стекает жидкость. 28. Американ-ский танец. 29. Характер с

примудами. 30. Двигатель торговли. 31. Жительница европейской страны.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Нарыв. 2. Ценная промысловая рыба. 3. Сигнальный прибор. 4. Автор, осмеивающий по-роки, недостатки. 5. Ткань в мелкий рубчик. 6. Вид транс-порта. 7. Певческое искуст-во. 9. Минерал, двуокись титана. 13. Трава, выросшая на месте скошенной в тот же год. 14. Номер клоуна. 17. Садовые ножницы. 18. Предварительный образец. 19. Спортивный снаряд. 20. Оперетта «...ветер». 21. Свод правил. 22. Украшение для волос. 26. Коллющее оружие. 27. Нерп (устар.).

Составила
А. ХОДЖИХАНОВА.

ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

КОЗЕРОГАМ придется проя-вить максимум сдержанности и дипломатии в предстоящем раз-говоре с начальником. Непредви-денные расходы принесет биз-несменам деловой проект с зару-бежными партнерами. В отноше-ниях с родственниками вероятны конфликтные ситуации. Будьте жестче в собственном доме. Благо-приятные дни — среда и чет-верг.

ВОДОЛЕЯМ предстоящая не-деля подходит для реализации давних замыслов, связанных с началом собственного дела. Нео-ценимую поддержку окажет по-кровительство высокого государ-ственного начальника. Придется отменно потрудиться, иначе пла-ны останутся лишь на бумаге. Грядущие выходные обернутся романтическими приключениями. Удачные дни — понедельник и среда.

Будущая неделя принесет **РЫ-БАМ** долгожданное известие о скором переводе к новому мес-ту работы. Придется поехать за границу. Предстоит не вполне приятная встреча со старым знакомым. Очередная влюбленность посетит Рыб сильного пола. Ос-тергайтесь новых увлечений, они не приведут ни к чему хо-рошему. Благоприятные дни — понедельник и вторник.

ОВНЫ получают солидные ди-виденды от сделок по купле-про-даже любой недвижимости. Не имеющим своего бизнеса при-дется довольствоваться небольшо-й прибавкой к жалованью. Не претендуйте на большее, лиши-тесь дальнейших перспектив карьерного роста. Удачные дни — среда и пятница.

У ТЕЛЬЦОВ, за что бы они ни взялись, все будет получать-ся быстро и хорошо. Бизнесмены проведут важные переговоры с деловыми партнерами. Возможно, откроются интересные перспек-тивы для расширения своего де-ла. Сможете получить выгодный заказ или заманчивое предложе-ние об участии в совместном проекте. Удачной будет вся не-деля, кроме среды.

БЛИЗНЕЦАМ придется поду-мать о том, как восстановить свое финансовое благополучие. Осте-регайтесь рискованных вложе-ний в ценные бумаги. Госслу-жащим полезны всевозможные перемещения, быть может, удаст-ся найти новую работу или вы-сокооплачиваемую должность. Вы ее обязательно получите. Бла-гоприятный день — четверг.

РАКИ столкнутся с проблема-ми на работе из-за разногласий с подчиненными или начальством. Не поддавайтесь минутному гне-ву. Вы сможете с честью выйти из неприятного положения и за-работать авторитет, не доводя де-ло до крика и непримиримого про-тивостояния. Бизнесменам необ-ходимо все тщательно просчитать перед тем, как делать новые ин-вестиции. Благоприятный день — среда.

ЛЬВАМ в ближайшую неделю следует хорошо потрудиться. По-вышение по службе не заставит себя долго ждать. Коммерсанты отправятся за рубеж с целью по-иска новых партнеров. Перемены в личной жизни ожидают Львов, которые еще не обрели свою вто-рую половину. Удачный день — вторник.

ДЕВЫ занятые на госслужбе, откроют для себя новый источник получения дохода. Вы сильны уве-ренностью в себе, своими органи-заторскими способностями, это улучшит ваше благосостояние. Привлеките опытные влиятельные организации. В семье будьте ве-ликодушны. Удачные дни — по-недельник и вторник.

ВЕСАМ необходимо тщательно следить за развитием ситуации и не выпускать инициативу из сво-их рук: вы можете достигнуть ре-зультатов, о которых только меч-тали. Предстоит потратить много времени для улаживания проб-лем, связанных с болезнью одного из родственников. Не избегайте серьезных ссор и раздоров моло-дым влюбленным парам этого знака. Благоприятные дни — сре-да и пятница.

СКОРПИОНЫ будут заняты поиском решения навалившихся проблем. Может показаться, что за мизерную зарплату от вас тре-буют слишком многого. Однако лучше это мнение оставить при себе. Бизнесменам следует отло-жить на более поздний срок все сделки. В брак решат вступить на этой неделе молодые, но пока одинокие Скорпионы. Для этого больше всего подходит пятница.

СТРЕЛЬЦЫ получат шанс до-казать сослуживцам свое безус-ловное лидерство. Вы, как всегда, сможете блестяще справиться со сложной задачей. Ваше положение в коллективе изменится в лучшую сторону. Не следует чрезмерно гордиться собой. В «замурной» сфере следует остерегаться новых увлечений и знакомств. Удачные дни — понедельник и суббота.

Бош муҳаррир

полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-78.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель. Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.

Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0146.

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИМИЗ

(Давоми. Беш 1-бетда).

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА УТКАЗИЛГАН НАВРЎ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

майдонга кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, гулдурос қарсақлар билан қарши олади.

Янги аср, янги минг йилликнинг ilk баҳори — Наврўзи оламга бағишланган байрам тантаналари бошланишидан дарак бериб, чорлов мусиқаси янграйди.

Табрик учун сўз Президент Ислам Каримовга берилади.

Юртбошимиз мамлакатимиз халқини кутлуг айём — уйғонини, янгилашни, яшарини байрам, кут-баракат элчиси — Наврўз билан самимий кутлайди.

Саҳна узра гўё бутун мамлакат аҳлини тантанана чорлаётгандек қарнай-сурнай садолари янграйди. Мусиқий оҳангларга табиатнинг уйғониши, борлиқнинг яшарини, баҳор ғамзалари, қушлар чугур-чугури, жил-қушлар сувининг шилдираши уйғуланиб кетади. Кўкка учирилган ранг-баранг шарлар анжиб камалак ҳосил қилади. Халл ўтмай рангини намалак алвон булутга айланаб кетади. Майдон атрофи турфа гулларга бурканган. Намалаклар қанотларини қилпирашиб турибди.

Майдонга Она ва Бола кириб келади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, биз учинчи минг йилликка эзгуликка йўрилган катта умидлар билан қадам қўйдик. Зеро, эзгу ишлар эзгу ниятлар билан амалга ошади. Шу боис Президентимиз 2001 йилни мамлакатимизда оналар ва болалар йили, деб эълон қилди. Бу хайрли тадбир заминда шубҳасиз эзгуликдан иборат ўзбекона донишмандлик мужассам. Доно-

ларни ҳам, ботирларни ҳам она тарбиялайди. Муқаддас ҳадиси шарифда ҳам «Наннат оналарнинг оёғи остидадир», деб бежиз айтилмаган. Негаки, оналар ҳаммаша болам деб яшайди. Болаларда эса миллат яшайди, келажак яшайди. Шу билан ҳам юртимизда оналар ва болаларга доимо алоҳида ғам-хўрлик кўрсатиб келинмоқда. Барча саяй-ҳаракатларимиз оналар ва болаларнинг соғлом бўлишига, айниқса, ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишига қаратилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур.

Она билан бола сўхбати Наврўз сайлини бошлаб беради. От минган жарчиларнинг «Эҳе-ҳе-ҳей! Ного-ра-ю кўш қарнайлар чалинсин, Тошкент дарвозалари очилсин!» деган ўқтам овози янграйди. Қадим ва навқирон шаҳарнинг рамзий ўн икки дарвозаси очилиб, саҳнага бадий жамоалар кириб келади. Дорбозлар, кўгирчоқбозлар, чавандозлар, масҳарабозлар, полвонлар, цирк усталари, акробатлар, ҳунарманд усталар, чеварлар, қўйингки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз ижодий маҳоратини намойиш этади. Зеро, Наврўз айёми тантаналари миллий анъаналар, спорт ўйинлари, халқимизнинг барча ютуқларини ўзда му-

жассам этганлиги билан ҳам қадридлир.

Бугунги кунда ота-бобола-римиздан мерос қолган анъана ва удумларнинг аксарияти Наврўз каби узоқ тарихга эгадир. Бонси — улар кишини мудом эзгулик, бунёдкорлик, яратувчиликка чорлайди. Давлатчилигимиз неча минг йиллик тарихининг ilk саҳифалари битилган маданий меросимиз бўлиб «Авесто»да ҳам Наврўз билан боғлиқ кўплаб яратувчилик удумлари тасвирланган. Масалан, биргина кун ва тушнинг тенглашгани муносабати билан унинг саҳифаларидан «Кимда-ким бугдой экса, у ҳақиқатин эккай! Қай бир хонадонда бугдой унса, у хонадондан ёвузлик узоқлашгай. Кимда-ким заминни ўнг ва чап қўли билан шудгор қилгай, унга фаровонлик бахш этгай» каби ҳикматли сўзлар жой олган. Шу боис байрам дастурининг «Дехдонлар рақси» томошасида «Авесто»га алоҳида ўрин берилиб, ундаги янги кун билан боғлиқ ажойиб удумлар тараннум этилади. Ўзгича бўлиб, бу йил мамлакатимизда ана шу қомусий асарнинг 2700 йиллиги кенг нишонланади.

Вилоятлар вакиллари-нинг чиқишларида ҳам оналар ва болаларга, тарихий анъаналарга, халқона урф-одатларга, миллий қадриятларга катта ўрин берилади. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутуйиба,

қўшиқлар, халқ термалари, аския, лаган ўйини, спорт мусобақалари билан уйғунлашган улкан театр томошаларида миллий қадриятларимиз, азалий анъана ва урф-одатларимиз янада жозибалироқ, янада теранроқ мазмун ва моҳият касб этади.

Қадимий санъатимиз оҳангларига уйғунлашган замонавий миллий астрада-миз юлдузларининг чиқишлари байрам тантаналарига янада кўтаринкилик бахш этади.

Наврўз байрамида халқ ҳунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъаналардан бирига айланаб қолган. Бу гал ҳам шу анъанага мувофиқ, миллий боғнинг каттагина қисми ҳунармандчилик маҳсулотлари билан зийнатланди. Рас-таларни кўздан кечирар экансиз, ҳунармандлар қўли билан яратилган мўъжизаларни кўриб ҳайратга тушасиз ва ана шундай бунёдкор халқнинг фарзанди эканлигингиздан яна бир карра фахр ҳиссини туя-сиз.

Байрам томошасидан кейин Президент Ислам Каримов мазкур кўргазма-ни кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбарига бир турух жакжи қизалоқлар пешвоз чиқди. Албатта, бизда ҳар қандай байрам аввало болаларники. Ҳар қандай байрамда аввало болаларга соғ-саломи ширинликлар улаштилади. Президентимиз ҳам бу анъанани истисно

қилмади — қизалоқларга муз-қаймоқ улашди. Шунишдек, ўзбекда байрамнинг яна бир жиҳати бор — қарияларни эъзират қилиб, дуо-сини олиш. Ислам Каримов шу ерга йиғилган бир гуруҳ оқсоқоллар билан суҳбатлашди, уларнинг дуо-сини олди.

— Бугунги кунимизда сиёсий, иқтисодий масалаларга атайлаб ургу берилмади, — деди Ислам Каримов. — Ҳаёт ташвишлари ўз йўлига, байрам ўз йўлига. Бугунгидек қувончли дамларда, йил бошида ён-атрофга қараб, кўкларнинг гўзаллигидан, ҳаётнинг лаззатидан, одамларимизнинг аҳилу ынқилиқларидан баҳра олмоғимиз керак.

Президент Наврўз ҳақида гапирар экан, бундан ўн йил бурунги воқеаларни мамнуният билан эслади.

— 1990 йили Наврўзни ilk бор расман нишонладик. Халқ юртимиз мустақил эмасди. Лекин Наврўз мамлакатимизда дам олиш кунини деб эълон қилинди. Бу истиқлол орузининг, шопрона айтганда, ilk шабадалари эди. Бугун мазкур саҳнада намойиш этилган ажойиб томошаларни, одамларимизнинг қувончли чеҳраларини кўриб, фахрланиб кетасан киши.

...Пойтахтимизда бўлиб ўтган Наврўз томошалари сунъий йўлдош орқали дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканалларида бевоёна намойиш этилди.

Байрам шодоналари мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқлари, маҳалла-рида давом этмоқда.


Ўқтам ДҲСТЕР,
Анвар БОБОЕВ,
(ЎЗА).

НАВРЎЗ — ҚУВОНЧ БАЙРАМИ

Ҳарбийлар шаҳарчасида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари ҳар қачонгидан ҳам зиёда бўлди. Майорлар — Зоҳиджон Исроилов ва Фурқат Толиповлар командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилаётган түпчилар ва везитчи-ракетачилар қисмлари аскар ва офицерларини баҳор байрами билан табриклашга, улар билан дийдорлашишга бир талай меҳмонлар таширф буюришди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўбайдулло Яманқулов, Марказий ҳарбий округ артиллерия бошлиғи полковник Тўра Аҳатов, Ҳамзабод фуқаролар йиғини раиси Исмадиёр Кўкиев, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Турсуной Хўжамқулова, Ўроз Худойбердиев, Чега Орашқулов, Верди Бозоров, Ҳайитбой Сатторов каби уруш ва меҳнат фахрийларини ҳарбийлар жамоалари иззат ва ҳурмат билан кутиб олишди. Туман маданият уйи қошидаги ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижросидаги куй ва қўшиқлар, айниқса, Роза Жўраева, Мухаббат Хидирова, Малоҳат Искандарова, Феруза Раззоқова, Дилноза Исроилова, Маҳфуза Тўйчиева каби офицер ва шартнома бўйича хизматчилар аёллари пиширган сумалак, турли хил пишириқлар, кўк сомсалар барчага бирдек манзур бўлди.

Байрам тантаналарига тош кўтариш, турникда тортилиш, футбол, волейбол каби спорт мусобақалари ўзига хос кўрк бағишлади.

Капитан А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири,



Ўқчи посбонлар — оддий аскар Ма-
жид Нанмов (чапда) ва оддий аскар

Элёр Маллабоевларни муддатли ҳарбий
хизмат учраштирди, дўстлаштирди.

ДОВЕРЕНО ЛУЧШИМ

За успехи в боевой и общественно-политической подготовке, отличное выполнение служебных обязанностей и высокую воинскую дисциплину, качественное несе-

Старший радиомеханик рядовой Сафаров в совершенстве овладел своей воинской специальностью, показав по итогам первых месяцев зимнего периода обучения высокий уровень профессиональной подготовки, прочные практические навыки.

Это подтвердилось и на недавних полевых занятиях, где воинско-связисты обеспечивали между подразделениями бесперебойную связь.

Отгремел учебный бой. Нелегким он был для связистов. Но они с честью вы-

полнили поставленные перед ними учебно-боевые задачи. И лучшими тогда, наряду с рядовыми Сафаровым, были признаны также военнослужащие, как рядовые Т. Акбаров, Ш. Маллаев, С. Саулин.

Рядовому Дильшоду Сафарову этой весной предстоит увольняться в запас... Чего же смог он добиться за время службы?

Солдат успел многое. В прошлом году стал специалистом 2-го класса, на предстоящей весенней проверке готовится стать первоклассным связистом. Воин твердо

решил завершить службу отличником, освоить смежные специальности и передать опыт пришедшим недавно в подразделение новичкам.

Право нести боевое дежурство в день праздника Наврўз рядовой Сафаров заслужил целенаправленным и напряженным трудом, постоянным вниманием к становлению обучаемых им новичков. Только лучшим доверяется охранять в праздничные дни мирный труд и спокойствие страны и народа.

Х. МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

5 МИЛЛИАРД ТОВОН

Германия хусусий фирмалари яқин кунларда «Хотира, жавабгарлик ва келажак» жамғармасига 5 миллиард марка маблағ ўтказиб бериш мажбуриятини олди. Жамғарма иккинчи жаҳон уруши вақтида фашистлар томонидан мажбуран ишлатилган ингилларга товод тулаш билан шугулланади.

«АК»нинг БОЗОРИ ЧАҚҚОН

